# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 1 ОКТЯБРЬ. жума, № 73 (6.029). Сотувда эркин нархда


**2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

***

**1999 йил 5 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар куни**

*Ислом Каримов:*

## МАҚСАДИМ, БАХТИМ - ХАЛҚИМ, ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ!



Фарғона қардош Қирғизистонга чегарадош вилоятларимиздан. Ўзбек ва қирғизлар бу ерда азал-азалдан ёнма-ён умргузаронлик қилишади. Бир ариқдан сув ичадилар. Бир пайкалнинг бу бошида ўзбек бўлса, у бошида - қирғиз. Бозор - бир, мозор ҳам бир, шодлик ҳам, ташвиш ҳам ўртада.

Мана икки ойдирки, мана шу ён қўшнимиз хонадонида нотинчлик: халқаро террорчилар тўдаси тоғли Боткен туманида, бошқа қатор ҳудудларда ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар, ғаламисликлари билан аҳоли тинчлигини бузишяпти. Бу хатарли ўйин, хавф фақат Қирғизистон ҳудудида қолиб кетади, деб ўйлаш калтабинликдир. Чунки, бир хонадондан ўт кўчса, бу офат қўшни хонадонга ҳам ўтиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик керак.

Президент сифатида миллат, мамлакат тақдири учун масъулиятни зиммасига олган юртбошимизнинг 30 сентябрь куни Фарғона вилоятига қилган сафарини, аввало, юқорида зикр этилган сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Ислом Каримов Шарқий ҳарбий округ штабида ҳарбийлар, чегарачилар, миллий хавфсизлик хизмати, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат мудофаасига доир масалаларни муҳокама этди.

Президент вилоятнинг Қирғизистонга чегарадош ҳудудларидан Риштон, Ровот божхона масканлари, чегара постларини бориб кўрди. Сарҳадларимиз посбонларининг жисмоний, ҳарбий-сиёсий тайёргарликлари, турмуш шароити билан танишди.

Президент Ислом Каримов Фарғона сафаридан қайтар экан, Қўқон аэропортида Ўзбекистон телевидениеси учун интервью бериб, жумладан, бундай деди:

- Минтақамизда бош кўтарган террорчилик ҳаракатини таг-томири билан юлиб ташлаш учун биз Қирғизистон ҳукуматига, қирғиз халқига бундан кейин ҳам ёрдам берамиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Оддий халқ вакилларининг менга билдираётган ишончлари, беғараз, чин юракдан чиққан сўзлари ғайратимга-ғайрат, кучимга-куч қўшади. Аввал ҳам айтганимдек, мен учун халқим, юртим тинчлигидан ҳам улуғроқ мақсад, бахт йўқ!

**М. РАҲМОНОВ.**

**Суратда: ташриф пайти. Ф. Қурбонбоев (ЎзА) олган сурат.**

### ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Джунгнинг таклифига биноан шу йилнинг 4-6 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

*Бугун — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни*

## ҲАҚ ЙЎЛИДА КИМ СЕНГА БИР ҲАРФ ЎҚУТМИШ РАНЖ ИЛА, АЙЛАМАК БЎЛМАС АДО ОНИНГ ҲАҚИН ЮЗ ГАНЖ ИЛА.

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!**

**Қадрли устозлар!**

**Сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.**

**Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, — бу ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади.**

**Шу боис барчамиз ўқувчилик йилларини ҳаяжон ва соғинч билан эслаймиз, меҳнаткаш ва меҳрибон устозларимизни ҳамиша эзгу сўзлар билан хотирлаймиз.**

**Устозни отадан улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.**

**Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Биз улардан умрбод қарздормиз.**

**Азиз муаллимлар!**

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.**

**Бу дастур мавжуд таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки биз орзу қилаётган янги авлодни тарбиялайди.**

**Янги авлод деганда мен, аввало, ўзлигини теран англаган, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг буюк ва бетакрор меросига муносиб ворис бўлган, шу билан бирга, илм-фан чўққиларини эгаллашда маърифий дунёда ҳеч кимдан қолишмайдиган навқирон фарзандларимизни назарда тутаман.**

**Ана шу авлодни тарбиялайдиган Миллий дастур энг катта орзу-умидларимизни, муқаддас интилишларимизни рўёбга чиқарадиган, ҳозирги ва келажак ҳаётимизнинг равнақини белгилаб берадиган асосий омилдир. Бу шарафли вазифа бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни кўзлаб яшаётган халқимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Лекин биринчи навбатда бу эзгу иш сиз каби маърифат фидойиларининг давлат ва халқ олдидаги муҳим ижтимоий ва инсоний бурчидир.**

**Мана шу улкан ва ўта масъулиятли вазифани адо этишингизда давлатимиз ва жамиятимиз муҳтарам муаллим ва мураббийларимизни эъзозлаш ва ардоқлашда, сиз азизларга муносиб шарт-шароит яратишда ҳеч қандай куч ва маблағини аямайди, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.**

**Азиз устозлар!**

**Сизларни байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга соғлик-омонлик, бахту саодат, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## ҒУРУРИ БАЛАНД ХАЛҚМИЗ

Нега қисқа бир давр оралиғида Ўзбекистонимиз бу қадар жаҳон ҳамжамиятидан чуқур жой олди. Кундан кунга обрў-эътибори юксалиб, барча соҳаларда ривожланиши юксалиб бормоқда?

Шундай кезларда халқимиз тарихига, миллий қадриятларига доно ва ботирлигига оид китобларни ўқиганлигимиз бу сингари саволлардан шубҳасиз халос этади. Чунки ўз қадрини билган халқимизнинг бағри бутун, ғурури баландлиги бунинг бош сабаби эканлигини англаб етамиз.

Хўжалигимиз шундай чегарада жойлашган. Зобит ва аскарларимизнинг Ватанимиз хавфсизлиги учун кеча-кундуз олиб боришаётган тинимсиз меҳнатларини юракдан ҳис этиб турибмиз. Албатта уларнинг бу саъй-ҳаракатлари туфайли еримиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги таъминланаётир. Биз тинч ва озод меҳнат қучоғида яшаётирмиз. Шунинг ўзи катта бахт! Биз ҳам шунга лойиқ ишлашга ҳаракат қилаяпмиз.

**Маҳамматжон УСМОНОВ,**
**Тошкент тумани «Тошкент» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**

### Сешанбадан жумагача

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз таълим тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 сентябрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)нинг амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек раҳбарлигида делегацияни қабул қилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарор қабул қилди.**

**● Пойтахтдаги «Туркистон» санъат саройида ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлди.**

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига йўллаган табригини Президентнинг ахборот ва таҳрир хизмати раҳбари Х. Султонов ўқиб эшиттирди.**

**● Асака тумани пахтакорлари республикада биринчи бўлиб йиллик режа-топшириқни ортиғи билан бажарди. Бу ҳақда «Туркистон-пресс» мухбирига республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пахтачилик бошқармасидан маълум қилишди.**

## ОТАМНИНГ НОНИ ШИРИН

*Ундан Ватанимнинг ҳиди келади*

### БИЗ ШУНДАЙ ЯШАЙМИЗ

Шу йил ёзги таътилни қишлоқда ўтказишга аҳд қилдим. У ерда яшашнинг ўзгача завқи бор, кенг ҳовли, баланд қилиб кўтариб таралган токнинг шохлари тагидаги сўрида маза қилиб яйраб ўтирасан киши. Айниқса, куннинг ботиш маҳалида ҳовлиларга муздек қилиб сувларнинг сепилиши, райҳонларнинг ҳид таратиб туриши, ернинг ажиб ҳиди менга жуда-жуда ёқади. Аёлларнинг сигирларни соғиб олиши, даладан ишчиларнинг қайтиш маҳали, болаларнинг қийқириқлари қишлоқда ўзгача файз бахш этади. Одамларни кузатар эканман, улар меҳнат қилиб ҳориган бўлсаларда қалблари нақадар беғуборликка, соддаликка тўла эканлигини самимий суҳбатлардан илғаб оламан.

Ҳар сафар қишлоқда бўлганимда отамнинг юмушларига ёрдамлашаман. Охирги сафар борганимда омборхонага бошлаб кирар экан, ерга хирмон қилиб уюлган буғдойларга ишора қилиб деди: — Мана бу «Улуғбек буғдойи» дейилади, мана буниси сара дон, қайси куни яхши шамол эсса, буғдойларни совуриб, ювиб, тозалаб оламиз.

Мен донларни қўлимга олиб ушлаб-ушлаб кўрдим. «Улуғбек» деб номланувчи дон йирик — йириклигидан иккинчи хилидан фарқ қилиб турарди.

Қайси доннинг нони ширин бўлади — деб сўрадим отамдан, — «Меҳнат қилгандан сўнг ҳаммасининг ҳам нони ширин бўлади, болам, фақат «Улуғбек» донидан қилинган ноннинг ранги оқроқ бўлади».

Эртаси куни мен синглим билан биргаликда пиёз, лавлаги экилган ерларни, бегона ўтлардан тозалаётган эдик. Ҳаш-паш дегунча шамол ҳам эсиб қолди. Отам шунда қизларим, келинглар донни совурамиз деди. Биз қилаётган ишимизни шу ерда тўхтатдик. Отамнинг орқасидан бордик, донларни кенг супа устига қопларга, тоғорачаларга солиб чиқардик, кенг шолча ёзиб, устига уюм қилиб тўкдик. Иккинчи шолчани нарироққа ёздик. Отам тоғорачага донни солиб, шамол эсиши билан баланд кўтариб секин донни ердаги ёзилган шолча устига

(Давоми 2-бетда)

### МАТЛУБОТ ТИЗИМИ

## ДЕҲҚОНГА ЕЛКАДОШ

***Маҳсулотни қабул қилиш ва савдо хизмати кўрсатиш бир жойда ташкил этилди.***

Касбида хизмат сафари билан юрганимизда ҳамроҳим, туман газетаси муҳаррири Жўра ака Юсупов шундай деб қолди:

— Шу корхонага ҳам бир кириб ўтсак, — йўлнинг чап тарафидаги ҳашаматли дарвозага ишора қилди у. — Яқинда ишга туширилган бу корхонада мева-сабзавотлар қайта ишланиб четга ҳам чиқаришяпти, яхшигина даромад олишяпти. Раҳбари тиниб-тинчимас, ишбилармон одам.

Корхона ҳовлисига кирдик. Басавлат киши олдида турган ишчиларга нималарни уқтирар эди.

(Давоми 2-бетда)

## ЧАНОҚЛАРДА ЧАҚНАГАН ЮЛДУЗЛАР

### МАВСУМ

Кенг ва бепоён пахтазорни айни шу кунларда кузатганмисиз? Кўм-кўк ҳали барглари тўкилмаган ғўзанинг чаноқларида лўппи-лўппи бўлиб турган, оппоқ бўлиб очилган пахтазорга тикилсангиз, беихтиёр қалбингизни тотли ҳислар чулғаб олади. Гўёки чаноқларда юлдузлар чақнаётгандек туюлади. Пахтазор ҳам, эгат оралаб, пахта тераётганлар ҳам сизнинг завқи-шавқингизни ошириб, дилингизда ажиб ҳисларни тоширади.

Барча жойлардаги каби Самарқанд вилояти пахтазорларида ҳам иш қизғин бошланаяпти. Бу йил вилоят пахтакорлари 250 минг тонналик оқ олтин хирмони учун бел боғлаганлар. Айни кунларда 97 минг гектар майдондаги ғўзада кўзланган хирмонга етадиган ҳосил тўпланмоқда. Жорий мавсумда 75 минг гектар пахта майдонидаги ғўзага дефолиант сепилди. Кенг ҳажмдаги ушбу ишни бажариш учун 205 та «ОВХ» русумли агрегатлар ишлатилди. Германиядан «дропп ультра» химикати, Навоийдан эса «Сиҳат» дефолианти етарлича олиб келинди. Нарпай, Пахтачи, Иштихон, Каттақўрғон туманларида дефолиация қилиш тугалланди.

Вилоят «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси раисининг ўринбосари Хуршид Салоҳиддинов эътироф этишича, ҳосилни тез ва соз қабул қилиб олиш учун пухта ҳозирлик кўрилган. 48 та пахта қабул қилиш манзилгоҳи мавсум талабларига жавоб берадиган ҳолатда. Тош-тарозилар, лаборатория ускуналари, бошқа техника воситалари ҳам хизматга шай. 9 та пахта тозалаш заводида эса

(Давоми 2-бетда)

### САНОАТ

**Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» пахта тозалаш заводида кадрлар қўнимсизлиги, раҳбарнинг тез-тез алмаштирилиши туфайли ишлар орқага кета бошланди. Заводга ёш, иқтидорли мутахассис Фарҳод Омонов директор этиб тайинланди-ю, ишлар юришиб кетди. Заводни замон талаби асосида**

## ИШЛАР ЮРИШИБ КЕТДИ

**қайта қурмасдан юқори натижаларга эришиш мумкин эмаслигини англаб етган ёш директор кўпчилик билан маслаҳатлашиб, ички имкониятларни чамалаб корхонада реконструкция ишларини бошлаб юборди.**

**Ҳозирги кунда заводни қайта жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Янги жиҳозлар ўрнатилди. Шу билан бирга жин агрегати биттага камайтирилди. Иккита цехни ихчамлаштириш ҳисобига электр қувватининг сарфи 50 фоизга озайди. Лекин бу билан заводнинг ишлаб чиқариш қуввати камайгани йўқ. Бу йил ҳам 20 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга.**

(Давоми 2-бетда)

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

**Элимизнинг атоқли ва ардоқли адиби Ўткир Ҳошимовнинг қарийб қирқ йиллик кузатувлари натижасида дунёга келган «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китоби чоп этилгач, кўп ўтмай қўлма-қўл бўлиб кетди. Сабаби, бу мўъжаз китобда муаллифнинг бир қадар армонли, бир қадар ўйчан, бир қадар табассумли дардлари бор. Севимли ёзувчимиз ушбу китобнинг янги нашрига киритилиши мўлжалланган янги, ҳеч қаерда эълон қилинмаган кузатувларини «Қишлоқ ҳаёти» газетасига тақдим этди. Марҳамат, ўқинг... Фақат, муаллифнинг бир илтимосини айтиб қўйишни хоҳлар эдик. Бу кузатувлар узоқ йиллар ўйлаб ёзилган. Сиз, азиз газетхонлар ҳам уларни шошилмай, диққат билан ўқисангиз...**

### ЧЕГАРА

### Табиат. Жамият. Инсон.

Одамзот нима учун кафтдек ҳовлисига гул экади? Ундан кўра шолғом экса, қозонига тушади-ку.

Одамзот нима учун булбул чаҳ-чаҳини эшитганда энтикиб кетади? Ундан кўра булбулни шўрвага солиб пиширса, нафсини қондиради-ку.

Одамзот нима учун осмонда чарақлаб ётган юлдузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади? Юлдузлар унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.

Одамзот нима учун китоб ўқиётиб, суюкли қаҳрамони ўлиб қолганида ўкиниб йиғлайди? Уни ёзувчи «ичидан тўқиб» ёзганини билади-ку.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:** БУРГУТ ЮКСАКЛАРДА УЧАДИ | ПУШАЙМОН | САҲНАДАГИ КАМАЛАК

# ТАНИҚЛИ ОЛИМ, ЖОНКУЯР МУРАББИЙ

**БУГУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ ТАНИҚЛИ ОЛИМ, ИҚТИСОД ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ РАҲМОН РАЖАПОВ.**

Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат



**— Домла, рухсат этсангиз суҳбатимизни ўзингиз ҳақингизда қисқа маълумот беришдан бошласак.**

— Бажонидил. 1929 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Калтаминор қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келдим. Ёшлигим уруш йилларига тўғри келди. Тенгдошларим қатори меҳнат фаолиятимни эрта бошладим. 1944-1947 йилларда жамоа хўжалигида табелчи бўлиб ишладим. 1947 йилда бухгалтерия курсини тугатиб, 1948-1956 йилларда бухгалтерлик қилдим. Ёшликдан ҳисоб-иқтисодга жуда қизиқар эдим. Ишдан ажралмаган ҳолда 1960 йили собиқ Бутуниттифоқ сиртқи молия институтининг бухгалтерия факультетини тамомладим. Ўн тўрт йил мобайнида бухгалтер-иқтисодчи ва илмий ходим сифатида фаолият кўрсатдим. Орзуим илм билан шуғулланиш эди. Шу боис 1962-1965 йилларда Москва шаҳридаги Иқтисодиёт илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таълим олдим. Илмий изланишларим натижасида номзодлик диссертациясини тайёрладим ва 1966 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эришдим.

**— Кейин фаолиятингизни қайси илм даргоҳларида давом эттирдингиз?**

— 1965-1980 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида бўлим мудири бўлиб ишладим. Аспирантурани тамомлаганимдан сўнг деярли бутун фаолиятим юқорида номи қайд этилган, яъни ҳозирги Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти билан боғлиқ. Ҳозир шу институтда «Ишлаб чиқариш воситалари бозори» секторининг илмий маслаҳатчисиман. Ушбу даргоҳда олиб борган чуқур, фундаментал илмий-тадқиқотларимни умумлаштириб докторлик ҳимоясига тақдим этдим. Муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари доктори бўлдим. 1980 йилда менга профессор илмий унвони берилди.

**— Номингизни кўплаб шогирдлар тайёрлаган устоз сифатида ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Демак, илмий изланишларингизни педагоглик билан ҳам қўшиб олиб боргансиз, шундайми?**

— Ёшларга таълим бериш, етук мутахассис тайёрлашнинг ўзи катта бахт. 1980-1982 йилларда Қорақалпоғистон Давлат университетида кафедра мудири сифатида талабаларга бухгалтерия ҳисоби фанидан таълим бердим. Сўнг Тошкент Давлат аграр университетида етти йил «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири бўлдим. Ҳозир ҳам шу кафедрада профессорлик лавозимида ишлаб келаяпман. Университет ёш ўқитувчилари ва аспирантлари илмий ишларига раҳбарлик қиляпман. Шу билан бирга Тошкент Молия институтида ўриндошлик асосида «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит» кафедрасида профессор лавозимида талабаларга билим беряпман.

**— Шу пайтгача нечта шогирдингиз илмий даражали бўлди?**

— Шогирдларим ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсам арзийди. Ҳозиргача шогирдларимдан ўттиз иккитаси фан номзоди бўлди. Насиб этса улар сафи кўпаяди, деган ниятдаман.

**— Қанча илмий асарларингиз бор?**

— Илмий ишларимга келсак, улар кўп. 120та илмий мақола ва тўпламларим чоп этилган. Жумладан, 6 та монография, 4 та ўқув дарслик ва бир нечта ўқув-услубий қўлланмалар муаллифиман.

**— Домла, фурсатдан фойдаланиб кутлуғ етмиш ёшингиз билан чин юракдан табриклайман. Илойим, илмий изланишдан, ёшларга таълим беришдан ҳеч чарчаманг. Узоқ умр, бахт-саодат сизга ёр бўлсин. Қолган гапларни муборак саксон ёшингизни нишонлаётганингизда гаплашайлик.**

**Суҳбатдош: РАВШАНБЕК.**



**УСТА КУЛОЛЛАР ОИЛАСИ**

**Уста Нарзуллаевлар оиласини нафақат Ғиждувон туманида, балки республикамизда, қолаверса, хорижда ҳам яхши билишади. Чунки бу оиланинг ўзбек миллий кулолчилик ривожида катта ҳиссаси бор. Шу боис улар турли халқаро кўргазмаларда ўзлари ишлаган уй-рўзғор идишларини намойиш этиб, кўп бора юқори ўринларга сазовор бўлдилар.**

**Кулолчилик — уларга ота касб. Бугунги кунда уста Абдулла Нарзуллаев фарзандларига, шогирдларига бу ҳунарнинг сиру асрорини ўргатмоқда. Шу сабабдан ҳам яқинда Абдулла ака кулолчилик мактабини очди. Ҳозирда бу ерда туманнинг иқтидорли ёшлари кулолчилик сирларини ўрганмоқдалар.**

**СУРАТДА: уста кулол Абдулла Нарзуллаев шогирдлари Илҳом ва Ғиёс Умаровлар билан.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЖАҒ-ЖАҒ

Жағ-жағ бегона ўт сифатида экинлар орасида, боғларда, ташландиқ лахтак ерларда, йўл, ариқ атрофларида кўплаб учрайди. Жағ-жағ апрель ойининг охиридан бошлаб гуллай бошлайди.

Жағ-жағ ўтининг таркибида салмоқли миқдорда витамин С ва К билан бирга, танин, смола, тирамин, ацетилхолин, инозит, гиссопин, гликозид, сапонин, эфир мойлари, диосмин асослари бор. Гиёҳ таркибида қатор микроэлементлар, организм учун зарур бўлган органик (олма, узум, лимон) кислоталар мавжуд.

Жағ-жағ халқ медицинасида кенг кўламда ишлатиладиган гиёҳлардан бири бўлиб, у меъда, ўпка, бурундан қон кетганида дамлама сифатида ичилади. Гиёҳнинг ер устки қисмини қайнатиб, буғини бод билан оғриган жойларга тутиш ижобий натижалар беради. Қадимий тибет табобатида жағ-жағ кўнгил айниши ва қусишга хотима берувчи дори сифатида тавсия этилган.

Маълумотларга қараганда, жағ-жағ қон бўлса керак, Ўрта Осиё халқлари айни навбаҳор дамлари жағ-жағ ўсимлигининг илдиз олди тўпбаргларидан чучвара, кўк сомса ва бошқа таомлар тайёрлаб истеъмол қилишади. Бундай таомларнинг инсон организмига фойдали эканлигини ҳозирги замон медицинаси ҳам тасдиқлайди.

Табиат шифохонаси

Жағ-жағ киши организмида модда алмашиш жараёнини яхшилайди, жароҳатларнинг битишини тезлаштиради, сийдик ҳайдайди, буйрак оғриқларига шифоли ҳисобланади.

Илмий медицинада жағжағдан тайёрланган дори-дармонлар буйрак, ўпка хасталикларини даволашда, шунингдек, гинекологияда қўлланилади.

**(«Шифобахш неъматлар» китобидан).**

***

## ТУРГАН-БИТГАНИ ФОЙДА

Ер куррасининг турли мамлакатларида, шаҳар ва қишлоқлардаги истироҳат боғларида, хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилиб келинаётган тирноқгулнинг турган-битгани фойдадир. Унинг гули олма кислотаси, календумен деган бўёқ, «С» дармондори, елим, эфир мойи каби моддаларга бой.

Тирноқгул гулидан тиббий мақсадларда ҳам кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу ўсимликнинг гули сийдик ва ўт ҳайдаш, терлатиш сингари хусусиятларга ҳам эга. Шунингдек, уни айрим зарарли микробларга қарши курашда ҳам қўллашади.

Қон босими ошган, асаблари бўшашган беморларга ҳам тирноқгул гули даво бўла олади. Бу гулни қайноқ сувга дамлаб, жигар, ошқозон ва ичак яллиғланиши касалликларига даво сифатида ишлатилади.

Ўсимлик гули ва никотин кислотаси аралашмасидан тайёрланган дори ошқозонда янги пайдо бўлган шишларни даволашда, иштаҳа очишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, уйқусизлик ва юрак безовталанишини йўқотишда ҳам тирноқгул қўл келади.

**А. АЛИЕВ тайёрлади.**

# ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Одамзот нима учун ўзга юртларга бориб, беҳисоб мол-давлат орттирганида ҳам иттифоқо болалиги ўтган пахса деворли кулбасини туш кўрса кўзи жиққа ёшга тўлади? Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку!

Одамзот нима учун боласининг бошида алла айтади? Гўдак алла эшитмаса ухламайдими?

Одамзот нима учун неварасини қабристонга етаклаб бориб, неча замон аввал ўлиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қилади? Марҳум уни кўрмайди-ку.

Гап шундаки, Одамзотни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара — шу!

Бу чегаранинг номи — МАЪНАВИЯТ деб аталади!

**«БИЛИМДОН»**

Ҳамма нарсани биламан, дейдиган одам ҳеч нимани билмайди!

**ИЛТИФОТ**

Ўзи учун илтифот тилаган одам — гадо. Ўзгалар учун илтифот тилаган ярим подшо...

**ТИШ ВА ТИЛ**

Гоҳо ўттиз иккита тиш битта тилга соқчилик қилолмайди-да, бош балога қолади...

**ТАРКИ ОДАТ...**

Одамлар чиндан кўра ёлғонга тезроқ ишонади. Бу дунёда ростдан кўра ёлғонга кўпроқ дуч келган бўлса, нима қилсин...

**ОНАМНИНГ ЎГИТИ**

Йиғлаб турган гўдакнинг бегонаси бўлмайди...

**ОДИЛЛИК**

Баҳорнинг илк майсалари шоҳлар саройининг олтин қуббаларида эмас, ғариб кулбасининг лойсувоқ томида кўкаради.

Тўнғич чучмўмалар бойваччалар гулшанида эмас, ўксик қабрлар устида очилади...

Адолатни табиатдан ўрганиш керак...

**ДОЯ**

Нодонлик ёвузликнинг онаси эмас-ку... дояси бўлиши мумкин...

**ШАХСИЯТПАРАСТ**

Ўзидан бошқа ҳаммани ёмон кўрадиган одам ўзидан бошқа ҳамманинг нафратига йўлиқади.

**ЭНГ ШИРИН, ЭНГ АЧЧИҚ ТИЛАК**

Болажоним! Менга нима қилаётган бўлсанг, сенга ҳам фарзандларингдан ўша қайтсин!

**ЁҚИМЛИ ДУШМАН**

Умрбод ортингдан эргашиб юрадиган ёқимли душман — нафс!

**ОЛИЙ ҲАКАМ**

Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳеч кимга бўйсунмайдиган, ҳеч кимдан қўрқмайдиган, оқни-оққа, қорани-қорага бехато ажратадиган Олий ҳакам бор. Бу — тангрининг ҳукми.

**АНТИҚА КИТОБ**

Ўқиб кўрдилар.
Ёқмади.
Қайта ёздилар.
Асл ҳолига қайтди.
Ўчириб ташладилар.
Тағин аслига қайтди.
Оловга отдилар.
Ёнмади...
Бу китоб — Тарих эди...

**(Давоми бор).**

# ҚУВОНЧ

**Куз охирлаб, ҳаво совий бошлаганда Шофиркон тумани аҳолиси, айниқса уй бекаларининг ороми бузиларди. Гап шундаки, Ғиждувон ва Пешку туманларидан тортилган газ қувури орқали узатиладиган «зангори олов» босими кескин пасайиб кетарди. Энди бунга барҳам берилди. Газли-Чимкент трассасининг Толди чўлидан ўтадиган қисмидан Шофиркон томонга қарийб 45 километрли газ қувури ётқизилди. Натижада туман аҳолисини газ билан кафолатли таъминлаш имконияти яратилди.**

ЯХШИ ХАБАРЛАР

## ШИФО МАСКАНИ

**Беруний туманидаги «Қиётобод» хўжалиги аҳолиси эндиликда даволаниш учун марказга қатнамайдиган бўлди. Бу ерда энг янги тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти очилди. Унда малакали врач ва ҳамширалар беморларга хизмат кўрсата бошлади.**

**Йил бошидан буён Қорақалпоғистонда бешта шундай шифохона фойдаланишга топширилди.**

**(ЎзА).**

# ҲАЁТНИНГ МАНГУ МУАЛЛИМИ — ТАЖРИБА

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

*Ўз турмушини яхшилаш эҳтиёжи ақлий меҳнатга интилиш заруриятини туғдиради.*
**Н.Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.**

*Билимга элтувчи ягона йўл, бу — фаолиятдир.*
**Б. ШОУ.**

*Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир.*
**ЭПИКТЕТ.**

*Ҳаётнинг мангу муаллими — тажриба.*
**И. ГЁТЕ.**

*Менга таянч нуқтасини беринглар, ерни ўрнидан силжитай.*
**АРХИМЕД.**

*Тажриба синовига бардош берган нарса — ҳақиқат бўлади.*
**А. ЭЙНШТЕЙН.**

*Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.*
**В. ГЮГО.**

*Ҳақиқат бу ҳаводир, усиз нафас олиш мумкин эмас.*
**И.С. ТУРГЕНЕВ.**

*Ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам унга қулоқ сол.*
**ҚОБУС.**

*Соф виждон — бу бир умрлик тантана.*
**СЕНЕКА.**

*Агар ҳукмдор бегона юртда ўзига сарой қурдирган бўлса, бу хосиятсизлик белгиси.*
**М. ҚОШҒАРИЙ.**

*Давлатни бошқариш санъати — санъатларнинг энг улуғидир.*
**ДЕМОКРИТ.**

*Хушомадгўйлар бошидан ажралиб қолиши ҳеч гап эмаслигидан доим қўрқишлари керак. Шундагина ҳукмдор ўз давлатида осойишталик ўрнатади.*
**ПИТТАК.**

***Бахтиёр ҚЎШОҚОВ тайёрлади.***

# ФАРИШТА

Ҳажвия

Эшитмадим деманглар: каминанинг елкасига «олахуржин» осиладиган бўлди. Полвон бухгалтер биз юборган совчиларга рози бўпти! Шанба куни унаштириш маросими, келгуси ойнинг бошида эса — тўй!

Келин бўлмиш — Сайёрахоним жа-а ўзимбоп! Ҳусну латофати ҳақида гапирмасам ҳам бўлаверади (буёғи ўзимга сийлов-да!). Аммо... жаҳллари бурунчаларининг учида тураркан. Илк учрашувимиздаёқ менга «Кўзингиз мунча олма термаса?» деганди. Ростини айтсам, бир ёстиққа бош қўймасимизданоқ оила «империя»си тахтига хоним чиқиб олдилар.

— Булар ҳали ҳолва, — деди бир куни дардимни обдон тинглаган Рўзибой жўрам елкамга қоқиб. — Тўйдан кейин кўрасан томошани.

— Йўғ-э?!

— Ҳали ҳам бўлса давринг-ни суриб қол...

— Қайтиб?

— Кўнглингга ёққани билан айшу-ишрат деганларидек... — Дўстим ғалати маслаҳатлар берди. Гапининг якуниям жўялидек эшитилди. — Бу эркак зотининг бошида бор савдо, ошнажон.

Чорак аср яшаб, қиз бола зотига кўз олайтирган эмасман. Очиғи, унақа ишларга уқувим йўқроқ. Аммо қадрдон жўрамнинг сирли гапларидан этим жимирлашини қўймаётган эди...

Йўловчилар билан гавжум ерости йўлида биттасини учратдим! Бай-бай-бай, мунақаси бошқа туғилмаса керак: афсонавий фариштанинг худди ўзия! Исми ҳам жимсига монанд Фаришта бўлса не ажаб! Оламдаги жамики гўзалликнинг жонли тимсоли бўлгач, Фаришта демай нима дейман? Ойдек кулча юзига хушбичим бурунчаси қуйиб қўйгандек, қайрилма қошлар тагида бир жуфт куралай кўзи сеҳрлаб қўяди. Келишган қоматига бўлиққина билаклар монанд. Ўрим-ўрим сочлари тўлғонади-я... Қаршимда ўтирган офатижонга балки мен ҳам Алпомишдек кўринаётган бўлсам не ажаб! Наздимда мен томон суқланиб қараётганга ўхшарди. Шу онда Рўзибой жўрамнинг «насиҳат»лари ёдимга тушди: Фариштани гапга солиш керак!

Метронинг сўнгги бекатида унсиз қўзғолдик. Қиз зиналардан Қибрай бекати томон одимлади. Беихтиёр унга эргашдим. Катта йўл четидаги кимсасиз бекатда тўхтадик.

— Биласизми, сизни қаердадир кўргандайман. — Гап қотдим унга томон бир одим ташлаб. — Қибрайга кетаяпсиз шекилли?

Фариштанинг энди каминага нигоҳи тушди-ю, узоқ танишини эслашга уринаётгандек қошлари чимирилди, юзида хиёл табассум жилва қилганча бош ирғади.

— Талаба бўлсангиз керак-а? — Тағин бош ирғагач, унга яна бир одим яқинлашдим. — Мен эса яқинда дипломли бўлганман! Исмим — Музаффаржон. Сизники.. шу ... Йўқ, эсолмаяпман.

— Сизга исмимни айтмаганман! — Фариштадан чиққан биринчи садо шу бўлди...

— Айтмаган бўлсангиз, энди айтарсиз!

— Нега энди?

— Севгининг кучаси шу кунгача каминага бегона бўлган. Сиздек гўзални кўриб эс-ҳушимдан айрилдим, гапнинг дангали, бўйдоқлигимга шукур қиляпман.

Телба-тескари гапларимга Фаришта кулиб юборди. Рўзибой жўрам ўргатганидек, гап қиёмига етди! Пайт пойлаб Фариштанинг билагидан тутдиму лўппи юзидан битта бўса олдим...

— Эй-й, бу нима қилиқ? Ёпишманг! Ол қўлингни!.. Жинни...

Шу он юзимга тушган тарсакидан кўзимдан олов чиқиб кетди.

Мулойимгина кўринган қизнинг қўлчаси шу қадар қаттиқ эканки...

«Тошкент — Қибрай» автобуси бекатга келиб тўхтаганини сезмай қолибман. Фаришта ўзини автобусга урди. Мен ҳам орқа эшикдан автобусга чиқдим. Чиқдим-у... ўртадаги «йўлак»да ҳалиги Фаришта билан кўришаётган Сайёрахонимга кўзим тушди. Фаришта Сайёранинг қулоғига нимадир деб шивирлади, сўнг ўгирилиб қўлини мен томон бигиз қилди:

— Анави башшаранг қурғур шилқимни айтяпман!..

Бўлғуси хотиним ялт этиб кўзимга қаради...

**Тўлқин ЭШБЕК**



— Қадимий шаҳар Кешда хонадонга келин тушиши биланоқ унга бичиш, тикиш, каштадўзлик, қуббадўзлик каби ҳунарлар ўргатилади, — дейди шаҳрисабзлик қуббадўз Тўрачучук опа Ражабова.

Тўрачучук опанинг асли касби ўқитувчилик. Лекин у ўттиз йилдан бери қуббадўзлик билан шуғулланиб келмоқда. Тўрачучук опа келин-куёвлар кийдиган, халат, чопон ва барча турдаги кийимларни тикиб элнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Т. Ражабова келини Гулчеҳрахонга қуббадўзлик сирларидан сабоқ бераяпти.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат.

# «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

**2000 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

Мустақил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, янгиликлардан хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми? Ислоҳотлар қандай натижалар бераётганлиги, агросаноат мажмуидаги, жаҳон қишлоқ хўжалигидаги қимматли тажрибалар, фан-техника соҳасидаги янгиликлардан, дунё воқеаларидан, бой маданий меросимиз, қадриятларимиз, маънавиятимиз сарчашмасидан баҳраманд бўлишни, фикр-мулоҳазаларингизни баён қилишни, турли мавзулардаги қизғин баҳс-мунозараларда қатнашишни истайсизми? Унда «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бўлинг.

Газета 2000 йилда ҳафтасига уч марта чиқарилади. Ижодий жамоамиз ранг-баранг мавзуларни ёритишни, муштарийларнинг энг яқин маслаҳатчиси, кўмакдоши, ҳамкори бўлишни ўзларига мақсад қилиб қўйган. Обуна бўлсангиз, газета хонадонингизга, хўжалигингизга, корхонангизга мунтазам равишда етказиб берилади.

***«Қишлоқ ҳаёти»нинг нашр индекси — 144.***

Бу оламнинг сирлари кўп

## ЖУМБОҚ ҚУРБОНЛАР

Перу теварагидаги аҳолини жумбоқ қурбонлар ажаблантирмоқда. Номаълум сабабларга кўра 259 одам фоний дунёдан кўз юмган. Маҳаллий халқнинг айтишларича, бу пиштаконинг иши экан. Буни ички ишлар бошқармасининг медицина хизматчилари исботлашмоқда. Уларнинг тахминларига кўра, пиштако қурбон бўлмишига қаттиқ уйқуда ётганда, яъни ярим кечада бориб, ўткир тили билан одам терисини тешиб, танадан мойни шилиб оларкан. Уйқудаги одам уни мутлоқ сезмайди. Уйғонгач ҳеч нима бўлмагандай юраверади. Бироқ кундан-кунга қуввати кета бошлайди. Шундай қилиб, ҳаёт билан хайрлашади.

Пиштако одам эътибор бермайдиган, жуда кичкинтой ҳашарот. Бироқ заҳри илон заҳридан ҳам кучли.

## МУЗҚАЙМОҚНИНГ ТАРИХИ

Музқаймоқ жуда тотли, танани сергаклантирадиган таом. Уни тайёрлашни одамлар қадимдан билишган. Энг даставвал музқаймоқ кафесини 1660 йили флоренциялик Прокопис Колтелле Парижда очиб, салқинлантирилган муз билан тузнинг қўшилмасидан музқаймоқ тайёрлаган. Ширин ва ёқимли ҳамда жуда сифатли музқаймоқ Франциянинг Пломбьер шаҳрида тайёрланганини ҳамда уни тайёрлаш усули ҳамма ерга тарқатилгани сабабли пломбир деб аталган.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлаган.**

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти директори Р. Тиллаевга онаси

**Сиддиқа ая ТИЛЛАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

**МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.***

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

**Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 136-56-26, 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

**«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0810, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.30 1 2 3 3 4 6.